

ТОШКЕНТ ШАХРИ ҚИРҒОҚ БЎЙИ ХУДУДЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Турдалиева Дилфуза Равшан қизи
(*Perfect consult* МСНЖ дизайнер)

Аннотация: Ушбу мақолада шаҳар қирғоқ бўйи ҳудудларини режалаштиришни ташкил қилишни ижтимоий дастурининг энг муҳим вазифаси бу иқтисодий янгилашни кучайтириши ҳамда республика аҳолиси фаровонлигини изчил ривожлантиришни таъминлаш бўлган ва бугунги кунда ҳам ушбу масала энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Калит сўзлар: Қирғоқ бўйлари, экологик, табиий-ландшаф, рекреацион, сув бўйи, урбанизация.

Аннотация: В этой статье важнейшей задачей социальной программы организации планировки городских приморских территорий было усиление экономического обновления и обеспечение последовательного развития благосостояния населения республики, и сегодня этот вопрос остается наиболее актуальным вопросом.

Ключевые слова: Прибрежный, экологический, природно-ландшафтный, рекреационный, прибрежный, урбанизация.

Annotation: In this article, the most important task of the social program for organizing the planning of urban coastal areas was to strengthen economic renewal and ensure the consistent development of the well-being of the population of the republic, and today this issue remains the most pressing issue.

Keywords: Coastal, ecological, natural-landscape, recreational, waterfront, urbanization.

Пойтахтимизнинг ҳар томонлама ривожланиши шаҳар аҳолисининг ўзи яшаётган жойда аҳоли ўртасидаги эстетик, функционал, ахлоқий, макон муносабатларининг ўзгариши ва ёмонлашувига олиб келади. Микроклиматнинг ёмонлашуви очик шаҳар майдонларини ишлаб чиқаришдаги кимёвий ва механик чиқиндилари билан тўлиб кетганлиги барчаси бир бўлиб, борган сари одам организмига, унинг психологик ҳолатига янада кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар муҳитидаги жисмоний ва рухий саломатликнинг бузилишига, инсон умрининг қисқаришига ва унинг меҳнатга лаёқатининг пасайишига олиб келади. Урбанизацияланган муҳитда экологик мукамал табиий-ландшафтнинг йўқлиги инсониятнинг рухий ва жисмоний мувозанатининг тикланишига ёрдам бермасдан, аксинча психик касалликларни кўзғатади. Бир қатор шаҳарлар рекреацион ҳудудларининг йўқлиги ёки жуда ёмон ҳолатда эканлиги, шаҳар рекреацион умумий

тизимининг мавжуд эмаслиги, уларнинг концептуал ривожланмаганлигини кўрсатади.

Охирги йиллардаги архитектура-шаҳарсозлик тажрибаси шуни кўрсатадики, тарқоқ архитектура-ландшафт ўзгаришлар доираси асосан ташландиқ ва сув остида қолган қирғоқ бўйи худудларига келиб тақалади. Ушбу худудларни замонавий архитектура-шаҳарсозлик ривожлантиришнинг муҳим таркиби булар: турли хил жонли архитектура, қурилиш муҳитининг шаклланиши, қурилишнинг “сув” тизимини тузиш, қурилишнинг канал ҳамда сув майдони билан функционал ва коммуникацион, композицион ўзаро боғлиқлигини таъминлашдир.

Тошкентдек йирик шаҳарда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси атроф-муҳит, ундаги хавонинг тозаллиги, одамларнинг дам олиши учун шароитларнинг бор-йуклиги, эстетик таасуротлар, аҳолининг жисмоний, маънавий ва рухий ҳолати, очик майдонлар, кўкаламзорлашган майдонларнинг сони ва сифатига боғлиқдир.

Бундан ташқари Тошкентда кўкаламзорлаштирилган худудлар дефицити кузатилади, мавжуд истироҳат боғлари, ободонлаштирилган худудлар номувофик жойлашган. Кўкаламзорлаштириш тизими бўлиб ташланганлик характерига эга, хиёбонлар, кичик боғлар ва парклар кўринишидаги кичик очик майдонларга ажратиб ташланган. Кўпгина очик майдонлар эса дисперсион (ёйилиб) жойлашган ва бир-бири билан боғлиқлик йўқ, бу эса рекреацион ва микроклимат таъсири бўйича ноқулай шароит туғдиради. Тошкент шаҳрининг ландшафт-рекреацион тизими асосини умумшаҳар ахамиятига эга бўлган экиладиган яшил ўсимликлар, дарахтлар ташкил қилади. Буларнинг таркибига: ихтисослашган, шаҳар ва туман истироҳат боғлари, шаҳар боғлари, хиёбонлар, аллея ва қирғоқбуйлари қиради.

Ўзбекистонда ландшафт архитектурасининг ижодий йўналиши миллий колоритни шакллантириш масалаларида ўзига анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши роли ва ахамияти замонавий босқичда давлат микёсидаги ландшафт архитектураси муҳим масала сифатида анча ўсди.


Шаҳарнинг табиий ландшафт каркасини рекреацион функционал ҳамда муҳофаза этувчи яшил массивлар ва сув оқимлар тизими орқали шаклланади. Кўкаламзорлаштириш тизими- Тошкент шаҳрини режалаштириш структураси—шаҳар ландшафт хусусиятларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Канал ва ариқлар бўйлаб кўкаламзорлар бир тизимга бирлаштирилади. Шу асосида парк ва хиёбонлар тизими қирғоқ бўйи ва бульварлар билан бирга шакллантирилади. Тошкент шаҳрида тўғридан тўғри суғориш ва қуриштириш, каналларини ўтказиш ва уларни тўғри геометрик тармоқда кесиштириш каналлар бўйлаб ўсимликларни ўтказишнинг қулай усулини топиш заруриятини туғдиради. Бу маънода Тошкент шаҳрида ўсимликларни қаторлаб ҳамда эркин экиш усуллари қўлланилади. Қаторлаб экишни ҳамма жойда қўллаб бўлмайди, чунки каналларни тўғри тизимли эканлигини ҳисобга олганда қаторлаб экиш пейзажга тўғри

келмайди, ундан ташқари атроф-мухит ландшафтига тўғри келмайдиган монотонлик (бирхиллик) қиёфасини ҳосил қилади.

Тошкентнинг гидрографик тизими Чирчик дарёси ва кўпгина ирригацион ташлама каналлар, дренажли ариқлар ва майда сув оқиб тушадиган ариқлар тизими орқали ифодаланади. Чирчик дарёсидан шаҳарнинг асосий каналлари Бозсу, Анхор, Корасув, Салар, Зах, шаҳар чегарасида-кичик каналлар ва ирригацион ариқлардан иборат ривожланган кичик тизимга сувни тақсимлаб берувчи Чорток каналлари сув ичади.

Чирчик ва Келес дарёлари ховузлари, сув бўлимлари бўйлаб эса Бозсу-Анхор каналлари тизими учун йул очилган.

Каналнинг чўзилган қирғоқ бўйининг деярли ярми ишлаб чиқарувчи худудлар орқали ўтади. Узунлиги бўйича иккинчи канал-Бозсу эса, аксинча аксарият кўп қисми ижтимоий қурилиш зоналари ҳамда оммавий фойдаланиладиган, кўкаламзор участкалар зоналари орқали ўтади, бу эса қирғоқ бўйи кўкаламзорлашган ва ободонлашган зоналар ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Қолган каналлар-Анхор, Калкауз, Кечурук, Кўкча, Чигатой, Зах асосан, шаҳарнинг аҳолиси кўп яшайдиган микрорайонлари бўйлаб жойлашган.



Шаҳарнинг ҳар бир туманида сув муҳофазаси бўйича тадбирларни

Шаҳарнинг юзаки очиқ сув оқимлари рекреацион ва эстетик функцияси етарличаинтенсив фойдаланилмайди. 2013 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Тошкент шаҳар худудида каналларни санитар ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш ҳақидаги №282-сонли қарори

тасдиқланди.[1] Карорнинг асосий мақсадипойтахт худудида каналларни сақлаш ва эксплуатация қилишишларини ташкил қилиш ва бошқаришни такомиллаштириш ҳамда уларнинг қуйилиш жойлари ва бириккан худудларини ободонлаштиришни яхшилашдан иборатдир. Шу билан бирга сув артерияларининг шаҳар худудларини уларнинг ўзанларини бетонлаш йўли билан реконструкция қилиш, замонавий ландшафт архитектурасини қўллаган ҳолда қирғоқ бўйи бўйлаб рекреацион зоналарини шакллантиришдир.

Ушбу қарорнинг натижаси сифатида Анхор бўйи канали сув бўйларини реконструкцияси бўлиб, таъмирдан кейин унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкиндир. Ўзан тозаланиб, бетонланган, қирғоқлари мустаҳкамланиб, кўркам кўринишга келтирилган, янги тўсиклар ўрнатилган, аҳолини сайр қилиши учун қирғоқ бўйлаб брусчаткалар ўрнатилган, кўкаламзорлаштир ишишлари амалга оширилган.



1-расм. Чилонзор тумани бўйлаб оқиб ўтувчи каналлар схемаси



Чилонзор туманида сув оқимлари ҳолатининг анча яхши. Шуниси ахамиятлики, туманнинг деярли аксарият қисми Октепа ва Бурижар каналлари ва ўзанлари орқали ўтади. Анхор канали, Бозсу каналининг давоми Бозсудан оқиб тушган сувнинг Бурижар каналига оқиб тушадиган жойидан 12 км.масофа узунлигида районнинг шимолий-

шарқ ва жанубиғарб томонига қараб кетган жойида кесишади.Каналнинг қирғоқлари бўйлаб паркларнинг яшил зоналари, спорт объектлари ва жамоатчилик марказлари ташкил қилинган. Каналнинг умумий узунлиги 22,3 км ни ташкил қилади.

Шаҳар ва тумандаги қурилишлар режасида Бўрижар канали тик ва баланд қирғоқлари ҳозирча қўлланилмаяпти. Қирғоқ полосаси катта масофагача бир қаватли уйлар ва алоҳида коммунал-захира объектлари қурилишлари билан тўлган. Лекин,

Бўрижар канали сойликлари ўсиб кетган тик қирғоқлари юкори манзаралилигини хисобга олган холда кўкаламзорлаштириш зонаси сифатида рекреацион мақсадда қўлланилиши мумкин ёки фасад томони манзарали кияликларга қараган қурилишлар зонаси сифатида қўлланилади. Оқтепа каналининг маълум участкаларида қирғоқ полосаси ва ўзанларни мустахкамлаш давом этмокда. Бу холатда коммунал захиравий объектлар саноат зоналарга чиқариб ташланиши лозим.



Расмлар. Бўрижар канал



Бозсуга қўйилади. расм. Оқтепа канали

Оқтепа- Тошкентдаги канал, Бурижар каналининг ўнг тармоғидир. У Оқтепа деб номланган тарихий жойлардан оқиб ўтади, канал яқинида Оқтепа Чилонзор шаҳарчаси жойлашган. Каналга «Оқтепа» дебўша жойнинг номи берилган. (Бу ерда эстакада-кўприк қурилган). Кичик халка йулидан унга сувнинг анча кўпайишига сабаб бўлиб қуйи Мирзо Улугбек туманида Қорасув ирригацион каналива Салар канали унча кенг бўлмаган ўзанлари ўтади. Шаҳарнинг энг асосий очик сув оқимлари ўзанининг узунлиги 15,5 кмни ташкил қилади, зичлиги-4,8 м/га. Салар каналига асосий сув Корасув каналидан оқиб тушади. Шуни таъкидлаш муҳимки, Мирзо Улугбек тумани чегарасида Салар каналининг қирғоқлари бетон билан

мустахкамланган. Шимолий - Шарқсаноат туманида аҳоли яшаши учун ишлаб чиқариш қурилишларидан қирғоқ зоналарини тозалаш ишлари амалга оширилади.

Салар каналида энг ободонлашган жойлар бу Мирзо Улугбек истирохат боғ ва зообог ўрнидаги истирохат боғларида кузатилади. Аммо ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўкаламзорлаштириш зоналари орасида сақланиб қолган режавий бўлмаган қурилишларданканалнинг қирғоқбўйи



расм. Мирзо Улугбек тумани бўйлаб оқиб ўтувчи каналлар схемаси



бўлмаган қурилишларданканалнинг қирғоқбўйи зоналари тозаланиши керак.

Шаҳарда узунлиги бўйича энг катта бўлган канал Шоқир каналига йуналтирувчи Корасув каналидир.



Қирғоқ бўйлари – бу сув хавзалари қошидаги хажмли- режалаштирилган комплекслар бўлиб, шаҳар худудининг анча жойини эгаллайди. Тарихан, шаҳарлар аҳолини табиий равишда қатновини таъминлаш учун коммунал коллекторлар ва сув манбалари, транспорт йўллари учун хизмат қиладиган, дарё, денгиз ва бошқа сув хавзалари қирғоқлари бўйларида қурилган. Шундай утилитар ёндошув билан бир

қаторда эстетик сабабдан ҳам ривожланди - шаҳар қурувчилари сувга яқинлашишни чиройли ва қулай безаш ҳамда аҳолининг байрамона кайфиятда бўлган пайтларида қирғоқбўйларида променадалар ташкил қилиш учун ҳаракат қилдилар. Замонавий соҳилбўйлари шаҳар қурилишлари ҳамда акватория билан ҳам боғлиқдир. Қирғоқбўйи комплекси ижтимоий иншоотлар, табиий ёки сунъий йўл билан яратилган соҳилбўйи ландшафтани ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Садикова М.А., Талипов М.А. Шаҳар ландшафтани ташкил этиш. Уқув қуланма.Т.ТАКИ.2015
2. D.U.Isamuxamedova., A.T.Ismailov., A.T.Hotomov. Injinerlik
3. <http://www.google.ru>